Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 240 (21. 106) 1991 йил 12 декабрь пайшанба

Баҳоси 8 тийин.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

МУНОСИБ НОМЗОД

• ШУ СОНГА ОЛИНГАН ТЕЛЕГРАММАЛАРДАН

Ўзбекистон Президенти сайловолди ва республика референдумини ўтказишга тайёргарлик ишлари юқори чўққига чиқди. Сайлов округлари ва участкаларида ишлар қизиб кетди. Сайловчиларнинг рўйхатларини олиш, улар ўртасида тушунтиришлар олиб бориш, савол-жавоблар ўтказиш юқори маромда бормоқда. Жойларда сайловолди митинглари ва йиғилишлари давом этяпти. Рўзномамизга ана шулар ҳақида узлуксиз телеграмма ва хатлар келиб турибди.

Ушбу телеграмма Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ва «Ўзбекистон овози» рўзномаси номига келган. Унда жумладан шундай деб қайд этилган:

«Ҳукуматимизнинг бевосита ёрдами ва ғамхўрлиги билан Андижон вилоятида шу йил 26 мартда янги Булоқбоши ҳудудий ижроия қўмитаси ташкил этилди. Булоқбошиликлар астойдил меҳнат қилиб йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунламоқдалар. Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Пленуми Сизнинг номзодингизни Ўзбекистон Президентлигига кўрсатганлигидан бир қувончимиз минг қувонч бўлди. Сизнинг республика халқлари тақдири, уларнинг тинч, фаровон ҳаёт кечиришлари учун бутун кучғайратини сарфлаётган раҳбар сифатида республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсатингизни тўла маъқуллаймиз ва шу йил 29 декабрь куни ўтказиладиган сайловда Булоқбошиликлар якдил бўлиб Сиз учун овоз берадилар. **Булоқбоши ижроия қўмитаси ранси А. Жалилов».**

●

«Биз, Қарши давлат муаллимлар олийгоҳининг бир гуруҳ профессорлари Ўзбекистон Республикаси Президентлиги лавозимига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қўллаб-қувватлаймиз. Негаки у Қашқадарё вилоятининг раҳбари бўлиб ишлаган кезларда иқтисодни чуқур тушуниши, халқ хўжалигини яхши билиши билан эътибор қозонган эди. Қолаверса, кадрлар билан ишлаш малакасининг юқорилиги, одамлар билан тез тил топа билиши, ғамхўрлиги ва тадбиркорлиги унинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муносиб эканлигини кўрсатади. Шунингдек И. А. Каримов республикага раҳбарлик қилаётганидан бери ўтказаётган бир қатор ижтимоий иқтисодий тадбирларни халқимиз зўр кўтаринкилик билан кутиб олди. Шунга ишонамизки, республикамиз И. А. Каримов раҳбарлигида ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиб, фаровон ва ёруғ кунларга албатта эришади.

А. ЧОРИЕВ, Д. ШОДИЕВ, М. ОЧИЛОВ, А. ВАРДИАШВИЛИ, Н. БЕЛАЛОВ, Б. АМИНОВ, С. МУСТАФОЕВ».

●

Шундай мазмундаги телеграмма ва хатлар республиканинг бошқа ҳудудларидан ҳам олиняпти. Уларда Президентликка номзод тўғрисида сайловчиларнинг дилдан чиқариб айтган сўзлари, тилаклари, истак ва ҳоҳишлари ўз аксини топган. Мана бу телеграмма Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт олий билимгоҳидан. Унда билимгоҳ профессор-ўқитувчилари республика Президентлигига сайловда И. А. Каримов номзоди учун овоз бериши қайд этилган. Жумладан, «Олий билимгоҳимизнинг ташкил қилиниши ва ўсишида шахсан И. Каримовнинг хизматлари катта бўлди, — деб таъкидланади ушбу телеграммада. — Биз республикага И. Каримовдек халққа ғамхўр ва айни пайтда талабчан раҳбар бўлишини истаймиз».

●

Қоракўл районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги аъзоларининг куни кеча бўлган митинги қатнашчилари вилоятдаги бошқа бир қатор жамоаларда бўлгани сингари республика Президентлигига И. А. Каримов номзодини қизғин қўллаб-қувватладилар. Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш борасида у киши амалга ошираётган ишларни маъқуллаймиз. У нимаики қилаётган бўлса халқни деб қиляпти, — деб таъкидлайди рўзномага юборган телеграммасида шу хўжалик бошқарувининг раиси С. Азимов.

●

Навбатдаги телеграмма Ховос районидаги Хавотоғ ҳудудий ишлаб чиқариш партия қўмитаси котиби Бердиқул Донаевдан олинди. У «Ховособод» давлат хўжалиги меҳнат жамоаси йиғилиши бўлиб ўтганлигини, унда сўзга чиққан жамоа аъзоларидан А. Юсупов, К. Хомидов, К. Бегимқулов, Р. Мавлонов йиғилиш қатнашчиларини шу йил 29 декабрда бўладиган сайловда И. Каримов номзоди учун овоз беришга чақирганлигини ёзади. Шу куни ҳудудий ишлаб чиқариш партия ташкилотидаги 162 нафар ХДП аъзоси биринчи бўлиб И. Каримов тимсолида республиканинг мустақиллиги учун ҳам овоз берадилар. Ҳозир сайловолди ишлари, намунали олиб бориляпти, — деб таъкидлайди муаллиф. Фарғона вилояти Ўзбекистон районидаги Муқимий номли жамоа хўжалиги, Қиргули район савдо идораси, Жиззах вилояти Фориш районининг тиббиёт ходимлари, Тошкент вилояти Бўка ва Калинин районлари халқ таълими бўлимларидан ва бошқа жамоалардан келган хат ва телеграммаларда ҳам меҳнат жамоаларининг И. А. Каримов номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари ҳақида сўз боради.

●

Рўзнома номига келган телеграммаларда Ўзбекистон Президентлигига «Эрк» демократик партиясидан кўрсатилган Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов) номзоди муҳокама қилинаётган йиғилишларда у ҳақда илиқ гаплар айтилаётганлиги таъкидланади. Жумладан, Хивадан олинган телеграммада шундай деб қайд этилган:

«Биз хивалик ганчкорлар ўз корхонамизда йиғилиш ўтказиб 29 декабрь куни бўладиган сайловда фаол қатнашиб, республика Президентлигига Муҳаммад Солиҳ номзоди учун овоз берамиз. У қадимий ўзбек маданиятини қайта тиклаш ва миллат фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшмоқда. «Мусаввир» корхонаси директори Бобожонов».

«1991 йил 4 декабрь куни Фарғона районидаги 54-мактабда йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президентлигига Муҳаммад Солиҳ номзоди кўрсатилганлиги қўллаб-қувватланди. Р. Одилова».

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Республика референдуми ўтказиладиган кун тоборо яқинлашмоқда. Халқ эса ўзлари меҳр қўйган ва овоз берадиган номзодлар ҳақида фикр билдирмоқда. Рўзномамизга келаётган хат ва телеграммалар сони эса кун сайин кўпайиб бормоқда. Уларда халқимизнинг дил сўзлари, ишонч ва истаклари, бўлажак Президент олдига қўяётган талаблари акс этган.

АНДИЖОН вилояти. Андижон тиббиёт олийгоҳининг профессори, тиббиёт фанлари доктори Мирзабой Толипов томонидан қўлланилаётган тадқиқот барчага маълум бўлаяпти. Олим бунинг учун яқинда муаллифлик шаҳодатномасини олди. Бу янгилик олийгоҳ шифохонасида, Андижон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида, шунингдек, Москва тиббиёт академиясида, Грузия республикасининг Кутаиси шаҳридаги шифохонада кенг қўлланилмоқда.

М. Толипов фан оламида 40 босма табоққа яқин илмий ишлар муаллифидир, унинг ўндан ортиқ ишланмалари амалиётга тадбиқ этилган.

Серфарзанд деҳқон оиласида ўсган Мирзабой отасидан эрта етим қолди. Катта акаси Раҳимберди унинг ўқишига ғамхўрлик қилди. Шу ғамхўрлик туфайли у ўрта мактабни тугатиб Андижон тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди. Сўнгра у тиббиёт соҳасидаги изланишларини давом эттирди. И. Сеченов номли Москва 1-тиббиёт олийгоҳида ишлаб, аспирантурада таҳсил олди. Номзодлик, сўнгра эса докторлик диссертацияларини ёқлади. Мирзабой Толипов бугунги кунда Андижон тиббиёт олийгоҳининг кафедра мудиридир.

Суратда: профессор Мирзабой Толипов (ўнгдан иккинчи) Хартум қишлоғи оқсоқоллари орасида.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзТАГ).

• *Долзарб мавзуда суҳбат*

РЕСПУБЛИКАДА КУПОН ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистонда купон жорий этилиш ҳақида оммавий ахборот воситалари хабар қилган эди. Бу тадбир иқтисодий жиҳатдан республикага нималар беради? Истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдамлашадими? ЎзТАГ мухбири П. Нишонов ана шундай саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисод комитети раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори П. НОСИРОВга мурожаат қилди.

— Пўлат Хайруллаевич, купонни жорий этиш заруратининг сабаби нимада?

— Таассуфки, собиқ СССР иқтисодий маконида кўпгина келишилган қарорларга эришиб бўлмаяпти. Шундай масалалар орасида пул муомаласини тартибга солиш масаласи ҳам бор. Собиқ Иттифоқдан мерос қолган бюджет камомади қоғоз пул кўплаб босиб чиқарилишига олиб келди.

Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги вақтгача истеъмол бозори мутаносиблигини таъминлашга муваффақ бўлинди. Бироқ Россия ҳукуматининг нарх-навога эркин тус бериш, иш ҳақини кескин ошириш, аҳолига бошқа ижтимоий имтиёзларни кенгайтириш тўғрисидаги қарорлари бюджет имкониятлари чекланган республикамизни қийин ва ноқулай аҳволга солиб қўяди. Россия ва бошқа қўшни мустақил давлатлар ҳудудидан маҳсулотлар билан таъминланмаган пул сўзсиз равишда Ўзбекистонга кела бошлайди, бу эса шусиз ҳам оғир аҳволни чигаллаштиради. Болтиқбўйи республикалари, Беларусь, Украина ва Ўзбекистон истеъмол бозорларида амалга оширган «валюта истилоси» деб аталган ҳуруж буни тасдиқлаб турибди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон ҳукумати купонларни жорий этиш йўли билан республика истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида қарор қабул қилишни лозим топди. Дастлабки босқичда купонлар харид қилиш учун ўзига хос ҳуқуқ берувчи қиммат баҳо қоғоз сифатида амал қилади. Республика фуқаролари молларни харид қилиш чоғида амалдаги пул билан бир вақтда купонларни ҳам тўлайдилар. Кейинчалик иқтисодий вазият, шу жумладан истеъмол бозоридаги вазият бунга қандайдир ўзгартишлар киритиши мумкин. Ҳукуматда вазиятни ўрганиб, ундаги ўзгаришларга нисбатан дарҳол тегишли чораларни кўрадиган гуруҳ тузилди.

— Бошқа республикалар, шу жумладан Украина купонларни жорий этиш чоғида йўл қўйган хатолар ҳисобга олиндими?

— Украинанинг тажрибаси муфассал ўрганилди. Барча ижобий ва салбий жиҳатлари аниқланди. Шуни очиқ айтиш керакки, купонларни жорий этиш самараси муваққат тусда бўлади. Шу сабабли улар амал қиладиган вақт чеклаб қўйилади.

— Купонларни жорий этиш чайқовчиликка қарши курашда ёрдам берадими?

— Купонларнинг асосий вазифаси — ички бозорни республикага четдан келадиган харидорлардан ҳимоя қилишдир. Биз меҳмонлар келишидан ҳамиша хурсандмиз. Бироқ моллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамма жойда тақчил бўлиб турган ҳозирги қийин даврда республикага келган ҳар бир меҳмон ўзимизга ҳам етмаётган маҳсулотларни четга олиб кетадиган бўлса бу ҳол республикамиз аҳолиси учун оғир юк бўлиб тушади. Республикамизга молларни харид қилиш мақсадида келувчилар анча кўпаяди деб хавфсираш учун ҳамма асослар бор.

Чайқовчиликка келганда эса, ана шундай хавф мавжуд. Лекин бу соҳада ҳам биз маълум чораларни кўзда тутдик. Украинадан фарқли равишда бизда купонлар битта босмахонада ва бир хил қоғозга босилади. Табиийки, купонларнинг четга тарқалиб кетишидан сақлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Бироқ турли сабабларга кўра купонлар билан чайқовчилик қилишни бутунлай тугатиб бўлмайди. Шу сабабли купонларни жорий этиш — муваққат чорадир.

— Даромадлари турлича одамлар купонлар билан қандай таъминланади?

— Уларнинг купонлар билан таъминланадиган улушини белгилаш чоғида аҳоли даромадларининг турлари ва миқдори албатта ҳисобга олинади. Ижтимоий адолат қоидаси биринчи ўринга қўйилади. Чунончи, пенсионерлар, талабалар, нафақа олувчи фуқаролар, шу жумладан болалар учун нафақа олувчиларнинг даромадларида купонлар улуши кўпроқ бўлади. Фуқаролар ўзларининг даромадларидан қатъи назар ҳар ойда оладиган купонларининг кафолатли миқдори албатта белгилаб қўйилади.

— Купон бериш чоғида аҳолининг қандайдир гуруҳлари камситилмайдими?

— Республиканинг барча аҳолисини купон билан таъминлаш учун ҳамма чоралар кўрилмоқда. Республикада яшаб, шу ерда даромад оладиган ҳамма одамлар, шу жумладан вақтинча ишсиз деб рўйхатга олинган кишилар ҳам купон оладилар. Бундан ташқари вахта усулида республикадан ташқарида ишлайдиганларга ҳам купонлар берилади.

— Купонларни қачон жорий этиш кўзда тутилмоқда?

— Купонлардан фойдаланиб молларни сотиш 1992 йил январидан жорий этиш кўзда тутилмоқда. Купонларни бериш эса олдинроқ ташкил қилинади.

— Купонга қандай молларни сотиб олиш мумкин?

— Бу масала ҳозирча ишлаб чиқилмоқда. Купонга сотиладиган моллар ҳозир аҳоли талон билан олаётган маҳсулотлар эмас, деб аниқ айтиш мумкин. Ун, ёрма, ёғ, чой, шакар бундан буён ҳам маълум миқдорда берилади ва купонсиз сотилаверади. Купон бўлмаса ҳам умумий овқатланиш корхоналарида овқатланиш, бошқа пулли хизматлардан фойдаланиш мумкин. Бир қанча турдаги қимматбаҳо моллар фақат республика фуқароларига купонсиз, лекин ҳисоб чеклари билан сотилади. Автомобиллар, мебель гарнитурлари, холодильниклар, телевизорлар, кондиционерлар, видеомагнитофонлар, кир ювиш ва тикиш машиналари ва бошқалар ана шундай моллар қаторига киради.

— Маошига нисбатан олганда қанча миқдорда купон берилади?

— Даромадларнинг хилма-хил турларига турли миқдорда купон берилади. Купонлардан фойдаланиб сотиладиган товар ресурслари ҳажми ва ижтимоий адолат қоидаси асосий мезон бўлади. Аҳолининг энг қашшоқ табақалари камситилмаслиги учун шу қонда ҳисобга олинади. Бунинг аниқ вариантлари ҳозир ишлаб чиқилмоқда ва тез орада аҳолига маълум қилинади.

ТАРАДДУД

● Истиқлол йўлидан бораётган халқимиз яна бир тарихий воқеа арафасида турибди. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлган юртдошларимиз мустақил Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги масаласига ўз муносабатларини очиқ-ойдин билдириш учун сайлов қутилари ёнига келишларига саноқли кунлар қоляпти. Бу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик ишлари қандай бормоқда! Сайлов округлари ва участкаларида бу борада қандай тадбирлар амалга ошириляпти!

— Округимизда Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда календарь режа асосида иш олиб бормоқдамиз, — дейди Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси котиби Ҳаёт Мақсудова. — 26 ноябрда округ сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия раиси ўринбосари ва котиби сайланди. Комиссия таркибидаги 13 аъзонинг вазифалари белгиланди. Улар ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Округ сайлов комиссиясида навбатчилик қилиш учун навбатчилар рўйхати тузилган. Сайловчилар хоҳлаган кунларида—шанба ва якшанба кунларида ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга малакали жавоб олишлари мумкин. Президент сайлови, Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги қонунлар, Марказий сайлов комиссиясининг тавсияномалари ҳам рус, ҳам ўзбек тилларида махсус папкаларда қўйиб қўйилган.

Шаҳарда участка сайлов комиссиялари ташкил этилди. Уларнинг жойлари ва чегаралари аниқланди. Ҳозир 640 сайлов участкаси ишлаб турибди.

Яқинда Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссияси аъзолари, шунингдек район Кенгашларининг вакиллари қатнашдилар. Мажлисда президент сайлови ва референдумга тайёргарлик ишлари муҳокама қилинди.

Сайлов участкаларида бу борада кўпгина муаммолар, зудлик билан ҳал этиш зарур бўлган муҳим масалалар борлиги маълум бўлди. Сайлов участкаларини безаш учун қизил алвон, сиёсий адабиёт ва брошюралар етишмайди.

Баъзи сайлов участкаларида хотиржамликка йўл қўйилмоқда. Чунончи, Киров районидаги кўпгина сайлов участкаларига ҳатто вивескалар осилмаган. Айрим сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатини тузишда кечикилмоқда. Ваҳолонки, Президент сайлови тўғрисидаги Қонунда сайловчилар рўйхати сайлов кунидан ўн кун олдин осиб қўйилиши белгиланган. Бундан ташқари сайлов участкаларини Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоллари ҳамда суратлари акс этган плакатлар билан таъминлаш ҳам пайсалга солинмоқда.

Сайлов участкаларида телефон масаласи муаммолигича қоляпти. Ҳамза районидаги 96, 91, 93-автомат телефон станцияси ишидан сайлов участкаси комиссияси аъзолари ҳақли эътироз билдирмоқдалар. Бунинг устига сайлов участкалари электр лампочкалар билан ҳам етарли таъминланмаган.

Йиғилиш қатнашчилари радио-телевидение ва матбуотда республикамиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик ишларининг бориши тўғрисида тушунтириш ишларини жонлантириш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Президент сайлови ва республика референдумига тайёргарлик ва аҳоли ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Чунки ушбу тадбирнинг уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтиши ҳозирги кунда олиб борилаётган тайёргарлик ишларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА, «Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

ҚУТЛУҒ КУНЛАР УМИДИ

Ҳамма жойдагидек Андижон вилоятида ҳам республика президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган митинглар, йиғилишлар қизғин баҳслар билан ўтяпти. Кўпчилик президентликка Ислом Каримов номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватлаяпти. Бу бежиз эмас. Миллатлараро келишмовчиликларнинг олдини олиш ҳам янги сайланадиган Президентнинг нечоғли тадбиркорлигига боғлиқдир. Мен шу маънода Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раиси Ислом Каримовнинг номзодини президентликка муносиб, деб ҳисоблайман.

Нега деганда, у халқ дарди, халқ изтиробини яқиндан ҳис этаётган ва меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш йўлида катта иш қилаётган жасоратли раҳбардир. Жумладан, унинг кейинги пайтда чиқарган қатор фармонлари, айниқса, маданият ходимлари, зиёлиларнинг маошларини ошириш, томорқа хўжалигининг аҳволини яхшилаш ҳақидаги фармонлари кўпчиликнинг дилидаги иш бўлди. Фахрийлар, талабалар, ўқувчиларга қилинаётган ғамхўрлик, меҳрибонлик кучайтирилди. Республикамизнинг мустақил давлат, деб эълон қилиниши ҳазилакам гап эмас. Неча йиллик метин тузумни парчалаб, янги бир оламнинг яратилишига йўл очиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўз Президентимизни ўзимиз сайлаш ҳуқуқига эга бўлганлигимиз ҳам мустақиллик аломатидир.

Энг катта ютуқларимиздан яна биттаси она тилимизнинг «тирилиши» бўлди. Тил ҳақидаги Қонун одамларнинг кўзини очиб қўйди.

Мен оддий бир депутат сифатида президент сайловини халқаро президент сайловига ўхшатиб ўтказишни истайман. Чет эллардаги Президент сайловига Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан вакиллар ва бошқа мамлакатлардан журналистлар таклиф қилинади. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг президент сайлови ҳам ана шундай тарзда ўтказилса яхши бўларди.

Мен депутат сифатида Ислом Абдуғаниевич Каримовни президентликка муносиб номзод эканлигини таъкидлаш билан бирга, андижонликлар ва барча депутатларни унинг номзодини қўллаб-қувватлашга ҳамда сайлов куни И. А. Каримов учун овоз беришга чақираман.

Ҳасанбой МАНСУРОВ, Ўзбекистон халқ депутати. Андижондаги 125-Киров сайлов округи.

РАСМИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Озалнинг таклифига биноан 1991 йил 16—19 декабрда расмий визит билан Туркияга ташриф буюради. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириш имкониятлари муҳокама қилинади.

НАВБАТДАГИ МАЖЛИС

● 10 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда партия Марказий Кенгашининг III пленумини чақириш ҳақидаги масала кўрилди. Пленумни 14 декабрда чақириш ва унинг кун тартибига «Республикадаги иқтисодий-ижтимоий-сиёсий вазиятда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи навбатда кўрадиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги; «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши комиссиясининг партия мулкининг бир қисмини халқ хўжалиги ҳамда аҳолининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари учун фойдаланишга топшириш ҳақидаги таклифлари тўғрисида»ги масалаларни киритишга қарор қилинди.

Сиёсий Ижроия Комитетининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги ЎзХДП халқ депутатлари гуруҳининг Низоми тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Низомда Ўзбекистон ХДП депутатлари гуруҳининг мақсади, гуруҳ фаолиятининг ташкилий йўналишлари ҳамда мазмун-моҳияти тўла ифодаланган. Депутатлар партия гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, республика Олий Кенгашининг иш тартиби, Ўзбекистон ХДПнинг Дастури ва Низоми ҳамда парламент фаолиятига оид халқаро қоидалар асосида ўз ишини олиб боради.

Мажлисда ушбу Низом тасдиқланди ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига топширишга қарор қилинди.

Сиёсий Ижроия Қўмитасининг мажлисида партияларо алоқаларнинг истиқболлари тўғрисидаги ахборот тингланди. Собиқ Иттифоқдаги мустақил давлатларнинг демократик партиялари билан хайрли мақсадда қилинадиган бўлажак ҳамкорлик тўғрисидаги қарор лойиҳаси маъқулланди. Шунга кўра Ўзбекистон ХДПга маъқул бўлган демократик партиялар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, Сиёсий Ижроия Қўмитасининг мажлисида кадрлар, партия ички турмушининг бошқа айрим масалалари ҳам муҳокама қилинди.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

БИР УМР МИННАТДОРМАН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми И. А. Каримовни республика Президентлигига номзод қилиб кўрсатганлигини эшитиб, бошим осмонга етди. Бир менгина эмас, оиламиз аъзолари, яхши кунимда ҳам, бошимга ташвиш тушган оғир дамларда ҳам ёнимда ҳамдам бўлган дўст-биродарларим, қариндош-уруғларим ҳам бу хабардан кўнгиллари тўлиб, жудажуда хурсанд бўлишди. Негаки, мени, оддий бир қишлоқлик одамни ҳар хил тухматлардан, бало-қазолардан сақлаб қолган киши — ҳозир Ўзбекистон Президенти бўлиб ишлаётган мана шу Ислом Абдуғаниевич Каримов эдилар-да.

Ҳа, ҳаётнинг паст-баланд сўқмоқлари мени ўша пайтда вилоятимизга эндигина энг юқори лавозимга ишга келган Ислом акага учраштириб қўйди. Ва мен бу учрашувни бир умр эсда сақлаб қолдим. Воқеа шундай бўлганди.

Оддий ўқитувчи, мактаб илмий бўлими мудири эдим. Тақдир тақозоси билан мартабам кўтарилиб, давлат хўжалиги директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосари қилиб тайинландим. Шу лавозимда баҳоли қудрат ишладим. Хўжалик тарихини ёздим. Маданий-маиший ишлар бўйича тилга тушгулик иш қилдим шекилли, республиканинг хўжаликларда маданий-маиший ишлар бўйича семинари бир неча марта шу ерда ўтди. Ибратли ишларимни оммалаштиришди.

Кичик-кичик асарларим ҳам дастлаб шу хўжалик маданият саройида саҳналаштирилди. Айниқса, Муқимий номли музикали драма театрининг Суръат Пўлатов, Наима Пўлатова, Файзулла Аҳмедовлар иштирокидаги бир гуруҳ артистлари ўйнаган «Мухбир» ҳажвий асарим бутун хўжалик жамоасига ёқди. Бироқ кейинги ташвишларим ҳам айнан ана шу спектакль кўрсатилгандан сўнг бошланди. Чунки унда раис, бош ҳисобчи ва тафтишчилар қаттиқ танқид қилинган эдилар-да. Бунинг устига «Пенициллин», «Қайчивой» спектакларим саҳналаштирилганидан кейин бутунлай таъқиб остига олиндим. Шу аснода «Саодат» журналининг 1986 йил 8-сонида «Марҳумлар ош емайдику» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Ана шу сабаб бўлди-ю область партия қўмитаси уюштирган семинарда ўқиб юрган жойимдан чақиртириб олиб муҳокама қилишди-да, ҳисоб карточкамга ёзиш шарти билан қаттиқ виговор бериб, ишдан бўшатиб юборишди. Буни қарангки, ўша ойда намунали ишларим учун область партия қўмитасининг «Фахрий «ёрлиғи»ни олган, вилоят рўзномасида «Ишонч» сарлавҳали очеркнинг қаҳрамони бўлган эдим. Бир ойда наҳотки бир пайтнинг ўзида пешонамни силаб, ана шу силанган жойга ўткир тош билан туширишса?

Шундан сўнг олти ой давомида ишсиз юрдим. Бу орада тўрт марта обком бюроси муҳокамасига киритилдим. Район партия назорат комиссияси ярим йилда 37 марта, область партия назорати комиссияси эса 29 марта ишимни кўриб чиқишди. Бироқ ноҳақ ишнинг тарозиси тош босганча тураверди.

1986 йилнинг декабрида Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Нормўмин Туробов ишдан бўшаб унинг ўрнига И. А. Каримов биринчи котиб этиб сайланди. Арзимни шу кишига айтишга аҳд қилдим. Ниҳоят, 1987 йилнинг 29 январида мен тўғримдаги масала область партия қўмитасининг навбатдаги бюро мажлисида муҳокама қилинадиган бўлди. Мажлисни янги котиб И. А. Каримов олиб бордилар. Обкомнинг барча котиблари, бўлим мудирлари шу ерда эди. Иккинчи котиб М. Солдатов, ижроком раиси А. Кадин, обком котиби А. Мўминов, ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Ведешин аввал содир бўлганидек, мени жон-жаҳдлари билан қоралай бошладилар. Фақат партия назорати комиссияси А. Курасовгина ҳимоя қилди. Воқеани ҳеч бир сўз қотмай кузатиб турган И. А. Каримов ҳаяжонланганимни сезди шекилли, «ука, қандай воқеа содир бўлган бўлса шошилмасдан ўзбек тилида бир бошдан гапириб берингчи», дедилар. Анча дадиллашиб, воқеани тушунтириб бердим ва «мана шу иш олти ойдан буён ҳал бўлмай қийналиб кетдим» дедим. Шундан кейин у киши ҳаммага бирма-бир қараб чиқдиларда, котиблардан фикр сўрадилар. Улар эса:

— Ҳа, Халиловнинг масаласини олдин ҳам бюрода муҳокама қилганмиз, — деб айтишга мажбур бўлишди. Ана шундан кейин Ислом Абдуғаниевич ўрнилaридан туриб менга шундай дедилар:

— Ўртоқ Халилов, аввало, бюро номидан мен сиздан узр сўрайман; негаки, бугун ишингиз ҳал бўлмайди. Олдин уни чуқур ўрганишимиз керак. Кейин сизни ўша котиблар билан юзлаштирамиз. Шунга розимисиз?

— Қанийди шундай қилинса, — деб юбордим беихтиёр.

Обкомнинг биринчи котиби бюро аъзоларига текширишни бир ҳафта ичида якунлаш тўғрисида топшириқ берди.

1987 йилнинг 12 феврали. Яна обком бюросидаман. Тўрда И. А. Каримов. Хонада олдинги бюро мажлисида қатнашган обком раҳбарлари. Мени эса совхоз бошланғич партия ташкилоти котиби Чори Ҳуррамов, райкомнинг иккинчи котиби Равиль Менгалиев билан ёнма-ён ўтқазишди. Савол-жавоб кўп бўлди. И. А. Каримовга раҳмат, қилни қирққа ёриб, ҳақиқатнинг юзини туҳмат чангларидан тозалаб ташлади. Шаҳрисабз район партия комитетининг 1986 йил 27 сентябрдаги бюро қарори ҳам шу ерда бекор қилинди. Ўз ишимга тиклаш, бекор юрган кунларим учун иш ҳақини ундириб бериш, менга туҳмат қилиб, бошимга шунча ғавғоларни солган райком масъул ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилинди. Кўп ўтмай, айбдорлар тегишли улушларини олишди. Мени эса бир пайтлар ўзимни таъқиб этган бошланғич ташкилотнинг котиби этиб сайлашди. 1991 йил 23 сентябргача шу ташкилотни бошқардим. Ҳозир Мичурин номли ўрта мактаб директориман.

Бўлган воқеалар ана шулардан иборат. Хўш, айтингчи, мана шундай олижаноб инсонни кўрсатган шунча савобли ишларидан кейин нега олқишламай? Йўқ, сайлов куни ўзим, оила аъзоларим билан бирга сайлов участкасига бориб биринчи бўлиб ана шу чин инсон номзоди учун овоз бераман. Бугина эмас, ўзим ишлаган Киров номли давлат хўжалиги, ўрта мактаб, бутун Шаҳрисабз райони аҳолисини Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз беришга чақираман.

Мен юқорида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи, республика аҳолиси моддий турмуш шароитини яхшилаш борасида қилаётган ишлари ҳақида тўхталиб ўтганим йўқ. Фақат унинг оддий бир қишлоқ кишиси тақдирига аралашиб, уни туҳмат балосидан халос қилгани ҳақида, бошимдан ўтган бир мисолнигина айтдим, холос. Мен у кишидан бир умр миннатдорман.

Жаббор ХАЛИЛОВ,
Шаҳрисабз районидаги Мичурин номли 39-ўрта мактаб.

ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ЭРТАКДАН— ҲАҚИҚАТГА

Куни кеча Тошкентда электр қувватлантирилган сув эритмаларини тиббий-биологик хусусиятларига бағишланган 1-жумҳурият илмий-амалий анжуманн бўлиб ўтди.

Бутуниттифоқ хирургия илмий марказининг Тошкентдаги филиали тажриба бўлимининг раҳбари Омонулла Ҳошимович ҚОСИМОВ биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди.

— Турли халқларда тирик ва ўлик сув ҳақида бир қанча эртаклар бор. Лекин шу эртаклар асосида ҳақиқат борлигини доим ҳам тушуниб етмасдик.

Бундан ўн икки йил муқаддам оддий сувга электр қуввати бериб дори ишлатмасдан беморларни даволаш мумкинлигига гувоҳ бўлдик. Яъни оддий тоза сувни зарядлаб жарроҳлик, гинекология, терининг тез битмайдиган оғир йирингли касалликларни даволашни тажрибада синаб кўрдик. Тажрибалар яхши натижалар берди. Бироқ бу янгилигимизнинг ривожланишига марказ қарши чиқиб, тўсиқлар пайдо бўлаверди. Лекин янгилигимиз чет эллар амалиётида қўлланилди.

Яқинда Одессада шу соҳага бағишланган халқаро йиғилиш бўлиб, бу янгиликнинг ватани Тошкентда илмий анжуман ўтказиш таклиф қилинди. Бугунги анжуманимизда Ўрта Осиё ва мамлакат олимлари қатнашяпти. Бизнинг усулимиз бўйича сувлар тозаланса унда барча жониворлар яшаши мумкин. Табиат экологик жиҳатдан тоза ва бугунги дорилар танқислигини ҳисобга олсак тиббиётда катта нафи тегиши аниқ.

Бу янгиликни тиббиёт амалиётида кенг қўллаш учун Тошкентда махсус «фирма» очилиб, сувни тозалаб, электр заряд берувчи аппаратлар ишлаб чиқариляпти.

Бизнинг усулимизга Япония, Ҳиндистон, Польша ва қатор чет мамлакат олимларининг ҳам қизиқиши ортиб бормоқда. Ўйлаймизки, бу янгилик энг аввало мустақил жумҳуриятимизнинг келажаги учун катта нафи тегади.

Суҳбатни А. ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

● ЎзТАГ суратканш мухбири Т. МАҲКАМОВ ўзининг янги тасвирларида Фарғона вилояти меҳнаткашлари турмушини акс эттирган.

Чапдаги суратда Киров районидаги «Бешариқ» давлат хўжалигида ташкил этилган корхона цехи бошлиғи И. Деҳқонов, тикувчи С. Масалиева ва сотувчи И. Туроновларнинг (чапдан ўнгга) суҳбат пайти тасвирланган. Бу корхонада эркаклар кўйлаклари ишлаб чиқарилади.

Худди шу хўжаликда 140 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Суратда: тарбиячи Санъат Пўлатова тайёрлов гуруҳида машғулот олиб бормоқда.

● БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ЧОРРАҲАЛАРИДА

МАҲСУЛОТ БОР, ЛЕКИН...

Ноябрь ойининг ўрталари эди. Ленин йўли районининг деҳқончилик мутахассислари-ю, катта-кичик раҳбарлари йўл ёқасидаги бир далага тўпланишиб, кенгаш ўтказишди. Бу кенгашни семинар деб атадилар. «Семинар»ни ўзбекчага чўзиброқ ўгирсангиз, «бир-бирига ўргатиш ва бир-биридан ўрганиш» деган гапга яқинроқ маъно келиб чиқади.

Район Кенгашининг раиси Раҳмат Шойимовнинг шу йиғилишдаги гаплари диққатимни тортди:

— Пахтакорларимиз бу йил самарали меҳнат қилдилар, — деди раис. — Давлатга 50600 тонна «оқ олтин» топширдик. Ҳосилдорликни кўтариш бўйича вилоят районлари ўртасида пешқадам ўринлардамиз. Айрим бўлимларимизда гектаридан олинган пахта ҳосили 42—44 центнерга тўғри келди. Машина терминнинг салмоғи яхши бўлди. Хуллас, чўлқуварларимиз навбатдаги катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар...

Мана бугун, келгуси йилнинг мўл ҳосили учун пухта замин яратишга киришдик. Машъалларимиздан бири — Арабали Дўстмуродов деган бригадиримиз эгат оча бошлаб, даласида семинар ўтказишга бизни таклиф қилиб турипти.

Раиснинг бу гапларига тирноқча монелигимиз йўқ. Яхши ишлаганлар қандини уришсин. Мавриди келдики, ғалаба муборак бўлсин, деймиз.

Бироқ районнинг матлубот жамияти раиси Яхшибой Жабборов билан суҳбатимиз семинардан олган шу кўнгилли таассуротимизга соя ташлагандай бўлди. Нимага дейсизми?

— Районда жон бошига ҳисоблаганда ҳар йили қарийб бир тоннадан пахта ишлаб чиқарилади, — дейди Жабборов. — Магазинларда бўлса газмол йўқ. Шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида биз одамларга 144 минг метр газмол, (чит, сатин) сотдик. Бу рақам эҳтиёждан қанча кам эканлигини билмадиму, лекин йил бошида бизга айтилган фонд миқдоридан 275 минг метр кам. Сурхондарёлик аёлларнинг жон-дили штапель. Бу мато энди анқонинг уруғи бўлиб қолди. Жамиятимизнинг ўн бир ойда олган штапели — 1300 метр. Аҳолимиз — 64 минг киши. Шу аҳолининг ярми хотин-қизлар. Энди 1300 метр штапелни 30 минг одамга тақсимланг — роппароса уч энлик (4 сантиметрдан) тўғри келади. Мана сизга чўлда «оқ олтин»дан тоғлар яратаётган, биз «чевар теримчи» деб мақтаб гапиришга ўрганиб қолган пахтакорларимизга тегаётган улуш.

Лекин қўлимизда ўша маҳсулотнинг ихтиёри йўқ, — дейди Будённий номи билан аталувчи давлат хўжалигининг директори Соат Тўхтамишев. — Раҳбарларимиз бизга: «Энди фонд деган нарсадан умид қилма, давлат таъминоти бўлмайди энди», деб қайта-қайта жар солгани билан ҳамон давлат буюртмасини бажармасанг, сени ишдан бўшатамиз, деб пўписа қилиб туришипти.

— Сиз, Соат полвон, пахта қабул қилиш пунктини хўжаликнинг ихтиёрига олдик, деяпсиз. Пахта тозалаш заводи хўжаликка бир йилнинг ўзида уч минг тоннадан знёд тола ишлаб беради, деяпсиз. Пахта бригадирининг аслида газмол дўкони ҳам бўлмоғи керак, деяпсиз. Булар ҳаммаси — яхши гаплар. Лекин иш...

— Иш борми, — дейди Тўхтамишев полвонларга хос чапанироқ оҳанг билан, — биз тенги раҳбарларни вақтида кўп қўрқитишган. Агар айтганимизни қилмасанг, ўзбошимча бўлсанг, ишдан бўшатамиз, каматамиз, дейишган. Юрагини олдириб қўйган одамларимиз. Бугун совхозда завод қурмоқчи бўлсам, фабрика қурмоқчи бўлсам, бир илож қилиб бу ишларнинг уддасидан чиқсам, эртага нима бўлади, деб яна қўрқаман.

Соат полвондек жасур қизишиб кетганда, қўл остидагиларга тарсаки тортиб юборганини сезмай қоладиган ғайратли одамнинг «қўрқоқман» деган гапига ишониш қийин. Лекин унинг «Эртага нима бўлади», деган гапига боғлиқ истиҳолага бошқалар ҳам суяниб қолишаётганга ўхшайди. Бир мисол. Район деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Ҳайит Пўлатов иш столи тортмасидан бир варақ қоғоз олиб узатди. Қоғоз Красноярск шаҳридаги «Вторполимермаш» ишлаб чиқариш тижорат бирлашмаси билан район раҳбарияти ўртасида имзоланиши мумкин бўлган шартноманинг лойиҳаси экан. Лойиҳада бирлашма район марказида қиймати 12 миллион сўмлик тўқимачилик қўшма корхонасини қуришни, хатто пахтачилик бўлимларида шу корхонанинг цехларини барпо этишни таклиф қилганди.

Ленин йўлиликлар бунга жон деб рози бўлишди (12 миллион сўм пул район учун нима бўлипти, ахир). Бироқ йилига 50 минг тонна пахта етиштираётган район бирлашмаси сўраган 9 минг тонна толани беролмагани учун иш таққа тўхтади-қолди. Кўрдингизми, маҳсулот бор. Лекин...

Энди бўлса, Ҳ. Пўлатовнинг айтишича, Ленин йўлиликлар италиялик тадбиркорлар билан тил топишмоқчи. Чамаси, италиялик тадбиркорларнинг ўз бўлажак шериклари олдига қўяётган шартлари бирмунча мураккаброқ. Улар тўқимачилик корхонасини уч ойда қуриб битказишмоқчи. Шу корхонадан ўзлари 5 йил фойдаланишмоқчи. Фақат шу беш йил давомида Ленин йўлиликлар корхонани ҳар йили 3800 тонна тола билан таъминлашлари, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бўлса бешдан бир фоизига қаноат қилмоқлари лозим. 5 йилдан сўнг корхона иноҳитиёри тўла районга топширилади. Ўртада қолиши мумкин бўлган муомала фақат шундан иборат.

Ленин йўлиликлар бу шартга ҳам рози. Бироқ орада яна ўша эски тўсиқ кўндаланг: 3800 тонна толани қаердан олиш керак? Биринчидан, ялпи ҳосилнинг беш фоизи-ю, давлат бурютмасига қўшимча ҳосилдан чиққан тола камлик қилади. Иккинчидан, муаммо фақат фабрикада эмас.

Хуллас, район семинарини тугатишиб, раҳбарлару мутахассислар тушдан кейин яна навбатдаги мажлисга — худди шу кузги-қишки дала ишларини қандай уюштиришга бағишланган вилоят миқёсидаги семинарга жўнаб кетишди. У семинарда ҳам хойнахой, қиш фасли — иш фасли, деган чақириқ янграр.

Қани энди, шундай семинарлардан бири (номига бўлса-да) дўконларимизда қанча газмол бор ўзи, деган мавзуга бағишланса. Қани эди...

Илова ўрнида бир тафсилотни қистириб ўтмоқчиман. Ҳайит Пўлатов кейинги пайтларда бир нарсани одат қилипти: иқтисодий муаммоларга тааллуқли эълонларни, билдиришларни йиғиб қўядиган, рўзномалардаги айрим гапларнинг тагига чизиб ўқийдиган бўлипти. Не ажаб. Замоннинг талаби-да. Ва гурунг орасида у: «Бир тонна пахта толасига Японияннинг «Тойота» машинасидан уч донасини айирбош қилса бўлар экан», деган гапни қайта-қайта такрорлайди.

Тўғри, «Тойота» қоринни тўйғазмаслигини, уст-бошни тўкис қилмаслигини у яхши билади. Лекин бу киши ўз меҳнати қадрини тушуна бошлаганидан нишона эди. Куни-кеча юқори раҳбар органлар учун асосан маълумот тўплаб бериш билан вақтини ўтказган агросаноат уюшмаси раиси қалбида пайдо бўлган янгича қизиқишлардан, янгича журъатдан нишона эди бу.

Кўряпсизми, Тўхтамишевнинг кўнглига тугилиб қолган истиҳолалар чекинаётганга ўхшайди...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● НУҚТАИ НАЗАР

ИЛМ АМАЛИЁТ БИЛАН КУЧЛИ

Фанимиз равнақига ҳисса қўшаётган олимлар, зиёлилар билан тез-тез мулоқотда бўлиб тураман. Суҳбатимиз кўпинча фанда кашфиётлар яратиш, уларни амалиётга жорий этиш хусусида боради. Баъзан бу мулоқот кишини чуқур ўйга соладиган, баҳсли ва мунозарали фикр-мулоҳазалар билан якунланади. Хўш, нега энди фан янгиликлари ҳаётга изчил жорий қилинмаяпти?! Шу ҳақда мулоҳаза қиларканмиз айни баҳор кезларида бўлиб ўтган бир воқеа беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

— Илмий ишимизни янгилик сифатида рўзномангиз орқали тарғиб этмоқчимиз, — деди ҳузуримизга келган ёшгина олима. — Нокамтарлик бўлса-да, шундай қилсак бундан барча деҳқонлар манфаат кўрган бўлармиди. Илмдаги янгилик ҳаётда қўлланилмас экан, унинг на олимга, на халққа нима кераги бор?

Чиндан ҳам Муаттар Азларованинг жон қойитиб гапиришида, унинг фикр-мулоҳазалари замирида кишини ҳаяжонга соладиган масалалар ётарди. Фан олами — бамисоли қўриқ. Уни «ўзлаштирган»ингиз сари у ўзининг сир-асрорини очаверади. Бу табиий ҳол.

Республикамиз ерларини олинг. Унинг иқлими, тупроғи пахтачиликка қулай. Пахта яккаҳокимлиги хусусида кўп гапирдик. Тўғри, у халқимизни қашшоқ турмуш кечиришга маҳкум этди. Экологик аҳвол нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиё минтақасида ҳалокат сари юз тутди. Бундан кўз юма олмаймиз. Лекин пахта халқимизнинг асосий бойлигидир. Бу йўлдаги хатоимиз кам майдонга пахта экиб, кўп ҳосил, даромад, фойда олиш омилларини унутиб қўйдик. Шундай омил — пахта толасини кўпайтиришга мутлақо эътибор берилмади.

Шу ўринда бир мулоҳазали мисолни келтириб ўтмоқчимиз. Бир хўжалик IV тип тола, иккинчиси эса V тип тола берадиган ғўза нави эккан. IV тип тола пахтанинг тоннасига (1 навига) 3300 сўм, V тип толага эса 3160 сўм ҳақ тўланади.

Ҳар иккала саноат навининг ўртача харид баҳоси — IV тип толага 3085 сўм, V тип толага эса 2922 сўм бўлса, биринчи хўжалик ҳар тоннасига 163 сўм қўшимча соф фойда олади. Агар хўжалик VI тип тола берадиган нав экса, тоннасига 755 сўм, VII тип тола берадиган нав экса 865 сўмдан иқтисодий зарар кўради.

Афсуски, республикамизда етиштирилаётган ғўза навларининг 50 фоизига яқини VI—VII тип тола берадиган навларга тўғри келади.

Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари томонидан етиштирилган ғўза навлари ичида истиқболли навлар, ҳам бор. Селекционер олимларимиз яратган «С—6524», «С—9070», «Юлдуз», «Наманган—77», «Оқ-қўрғон», «С—4908», «Қарши—8», «С—6520», «Фарғона—4», «АН—510», «АН—415» каби навларга умид боғланса бўлади.

Агар республикамизда тола олиш миқдорини бир фоизга оширишга эришилса, 300 миллион сўмдан ортиқ иқтисодий фойда олиш мумкин. Айрим истиқболли навлар орқали эса кўрсаткич бундан ҳам ошади.

Айтайлик, «Юлдуз» навли пахтадан тўрт-беш фоиз ортиқча тола олишга муваффақ бўлинди. Бу нав пахтачиликдаги энг юқори кўрсаткич 40—41 фоиз тола бериши кузатилди.

— Республикамизда (албатта, иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда) шундай истиқболли навлар экилса, ҳатто бир вилоятнинг экин майдони ҳажмидаги ерни иқтисод қилиб, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш мумкин, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, биология фанлари доктори Остон Жалилов. — Етиштирилаётган ғўза навларини жаҳон стандарти талабларига мослаштириш зарур. Муҳими, бизда шундай навга имкониятимиз бор. Афсуски 38—41 фоиз тола берадиган навларимиз бўла туриб, уларни кенг экмаяпмиз. Ўзбекистоннинг мустақиллик базаси—жаҳон бозорида тош босадиган тола бўлмоғи шартдир.

Олимлар яратаётган илмий ишлар қайси соҳага таллуқли бўлмасин изчиллик билан қўлланиши даркор. Эътироф этиш керак, қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, пахта сувни кўп талаб этади. Минтақамиздаги экологик аҳволнинг туб илдизи ҳам сув муаммоси билан боғлиқдир.

Тупроқ эрозияси, ерларнинг нормадагидан ортиқча шўрланиши ҳам иқтисоднётни издан чиқармоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларига салбий таъсир этади, ҳосил 2—3 марта камаяди. Республикамизда 1,5 миллион гектар ер шўрланганлигини назарда тутсак кўрилаётган иқтисодий зарар ўз-ўзидан равшанлашади.

Мутахассис олимлар томонидан яратилаётган илмий ишлар бу борада бирмунча иқтисодий фойда бераётир. Лекин ҳозирги шиддатли давримизда кечаги катта шов-шувга сабаб бўлган янгилик эртанги кунга келиб айтарли самара бермай қоляпти. Айниқса, фан янгиликларининг ишлаб чиқаришга жорий муддатлари гоҳида беш-ўн йилга чўзилаётганини эътиборга олсак оқсоқланиш нақадар чуқурлашиб кетаётганини сезиш қийин эмас.

ТИИМСХнинг иқтидорли олимлари, химия фанлари номзодлари Муаттар Азларова, Маҳмуд Ҳофизов, Мамлакат Ҳасанхонова, илмий ходим Тагир Муракаевларнинг профессор Ғофур Муҳамедов раҳбарлигида яратилган полимер-поликомплекс препарати худди ана шу мақсадларда қўлланиб, катта иқтисодий фойда бериши бир неча бор эътироф этилди.

Бу препаратга хорижий давлатлардан ҳамкорлик қилиш учун шартномалар тузиляпти. Мисрдаги Александрия университети олимлари ижодий алоқаларни бошлаб юборди. Яқин келгусида Германия, Ҳиндистон, Чехословакия, польшалик мутахассис олимлар ҳам полимер-поликомплексни қўлланишда ҳамкорлик қилиш учун шартнома имзолаш арафасида.

Поликомплекс тупроқ, қум эрозияси (Чернобиль, Оролбўйи ҳалокатида қўлланди), ернинг юза қатламида тупроқ ҳароратини ошириш ва сувнинг ортиқча ерга шимилишига қарши ишлатиляпти. Препарат қўлланган ерда тупроқ ҳароратини бируч даражага оширади. Бу демакки, ҳосил 10—15 кун барвақт етилади.

Лекин республикамиз қишлоқ хўжалигида, пахтачиликда полимер-поликомплексдан унумли фойдаланилмаяпти. Ваҳолонки, хўжаликлар ундан катта иқтисодий фойда кўришлари шубҳасиз. Хорижлик мутахассислар уни катта валюта ҳисобига харид қилишга тайёр турган бир вазиятда республикамизда ундан ўз ўрнида фойдаланилмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Республикамизда олимларга, иқтидорли мутахассисларга кенг имкониятлар очиляпти. Хорижий давлатларда тажриба ўрганиш, илм олиш истиқболлари белгиланяпти. Шу ўринда Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ташкил топиши, бугунги мустақил республикамиз ҳаётида катта ижобий натижалар бериши турган гап. Лекин бу ҳақда айрим мулоҳазали, баҳсли фикрлар ҳам билдириляпти. Академия қамраб олган соҳалар —бўлимлар фаолиятини янада кенгайтириш, пахтачилик ва ипакчилик тармоқлари қамрови доирасини янада мукаммаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Фандаги кашфиётлар, амалиётда эришилаётган ютуқ ва камчиликлар хусусида фикрлашар эканмиз, олим маънавий дунёси, маънавиятига назар ташлаб ўтиш ҳам ўринлидир. Олим аввало, маънавий баркамол бўлмоғи, ўзи ва ўзгалар меҳнатига чуқур ҳурмат билан қарай билмоғи керак.

Фанда янгилик яратиш игна билан қудуқ қазиш янглиғ машаққатлидир. Узоқ кузатиш, тажрибалар, тинимсиз меҳнат эвазига буюк кашфиётлар яратаётган олимларимиз изланишлари зое кетмаётир. Лекин фан даргоҳига таниш-билиш, ошна-оғайнигарчилик оқибатида машаққатли пиллапоялардан даст сакраб «мартабали олим»га айланган сохта олимлар борлигидан ҳам кўз юма олмаймиз. Гоҳида фанда яратилган кашфларнинг ўз вақтида эътироф этилмаслиги, амалиётга қўлланмай қоғоздаги «илмий иш»лигича қолиб кетишида ана шундай олимларнинг машаққатли меҳнатини қадрлай олмаётганликлари сабаб бўлаётгандир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келгусидаги шаҳдам одими, мустаҳкамлиги, жаҳон миқёсида ўзининг забардаст ўрнини эгаллаши олимлару, мутахассислар қолаверса, ҳар биримизнинг соф виждон билан меҳнат қилишимиз эвазига бунёд бўлади. Зеро, мақсадимиз республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш экан, албатта, ана шу мақсадлар муштараклигига эришишимиз даркор.

Саида ИЎЛДОШЕВА.

Мерос

Маълумки, Ўрта оснёлик қомусий олимлар — Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа кўплаб илм аҳллари яшаган X асрнинг охири — XI асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудида илму фан ва маданият анча тараққий қилган даврни ҳисобланади. Чунончи, мазкур даврда жаҳон фани ва маданияти хазинасидан муносиб ўрин олган бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган қатор машҳур олимлар, адиблар, шоирлар, тарихчилар ва файласуфлар яшаб ижод қилганлар. Шундай олимлардан бири машҳур тарихчи Абу Наср ал-Утбий бўлиб, унинг асари ҳисобланган «Тарих ал-Йаминий» Маҳмуд Ғазнавий қонунлик қилган даврни ҳар тарафлама чуқур ўрганишда асосий манбалардан бири сифатида хизмат қилади.

АБУ НАСР АЛ-УТБИЙ



Абу Наср Муҳаммад ибн Абдуллажаббор ал-Утбий Эронда ўтроқ бўлиб қолган бадавлат араб оиласига мансуб бўлиб, 961 йили Рай (Эрон) шаҳрида туғилган. У ёшлигида Хуросонга, Сомонийлар ҳузурида каттагина маъмурий лавозимни эгаллаб турган тоғаси ёнига боради. Абу Наср ал-Утбий билан яқиндан таниш бўлган замондоши, машҳур адиб ва шоир Абу Мансур ас-Саолибий (961 — 1038) таъбири билан айтганда, у тоғаси ёнида «меҳрибон ота ҳузуридаги азиз фарзанддек» тарбияланади. Тоғаси вафотидан кейин эса, у Сомонийлар ноиби ва Хуросоннинг сипаҳсолари Абу Али ибн Синжурийнинг (997 йилда вафот этган) котиби, сўнгра мазкур хизматни ўша пайтда Хуросонда қувғинда бўлган Журжоннинг зиёрий ҳокими Қобус ибн Вашмгир ҳузурида ўтайди. Шунингдек, унинг Хуросондаги вакили вазифасини ҳам бажаради.

Абу Наср ал-Утбий фаолиятининг аксар қисми Ғазнавийлар билан боғлиқ бўлиб, у бирмунча муддат ўша пайтдаги машҳур адиб ва шоирлардан ҳисобланган Абу-л-Фатҳ ал-Бустий билан биргаликда Ғазна ҳокими Абу Мансур Сабуктагинга (997 йилда вафот этган) котиблик қилади. Сабуктагин вафотидан кейин унинг ўғли Исмоил ҳузурида ҳам мазкур вазифани ўтайди. Ўша пайтлардаёқ Абу Наср ал-Утбий етук котиб ва тадбиркор арбоб сифатида муайян даражада мавқега эга бўлган эди. Чунончи, Ғазна ҳукмронлиги учун Сабуктагининг ўғиллари Исмоил ва Маҳмуд ўртасида юз берган кураш жараёнида Ғазнанинг Исмоил ҳукмидан Маҳмуд ихтиёрига ўтишида Абу Наср ал-Утбийнинг тадбиркорлиги муҳим роль ўйнаган. Натижада Маҳмуд Ғазна ҳукмида қарор топгач, ал-Утбий унинг қўл остида ишлайди ва султоннинг элчиси сифатида дипломатик хизматга ҳам жалб этилади. 1021 йилда эса, Абу Наср ал-Утбий Ганж Рустакда почта бошлиғи (соҳиб ал-барийд) лавозимига тайинланади. Бироқ орадан кўп ўтмай, яъни 1023 йилда Ганж Рустакнинг ҳокими Абу-л-Ҳасан ал-Баговий билан унинг ўртасида бўлган ихтилоф натижасида ал-Утбий мазкур вазифасидан четлатилади.

Абу Наср ал-Утбийнинг шундан кейинги ҳаёти хусусида манбаларда аниқ ва муфассал маълумотлар келтирилмай, унинг узоқ муддат Нишопурда яшаганлиги ва Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Масъуд ҳузурида ҳам котиб бўлганлиги қайд қилинади. Шунингдек, Абу Наср ал-Утбийнинг вафоти хусусида ҳам ягона бир сана бўлмай, манбаларда ва тарихий адабиётларда 1022 ва 1036 йиллар, айримларида эса 1040 йил ҳам зикр қилинади. Араб адиби ва тарихчиси Зайниддин ал-Вардий ўзининг «Татиммат ал-мухтасар фи ахбор ал-башар» номли библиографик асарида Абу Наср ал-Утбий вафотини 431 ҳижрий (1040 милодий) йили остида келтириб, унинг Маҳмуд Ибн Сабуктагин ва унинг ўғли Масъуд ҳузурида ҳам котиблик қилганини қайд қилади. Тарихдан маълумки, Масъуд ҳукмронлик қилган давр 1030—1041 йилларга тўғри келади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ишонч билан айтиш мумкинки, Абу Наср ал-Утбий вафоти хусусидаги биринчи сана — 1022 йил нотўғри бўлиб, у 1036—1040 йиллар ўртасида вафот этган.

Манбаларда ва тарихий адабиётларда Абу Наср ал-Утбий ўз даврининг етук шоири, адиби ва тарихчиси сифатида гавдаланиб, қатор асарлар таълиф этганлиги қайд қилинади. Абу Мансур ал-Саолибий унинг «Латоиф ал-куттоб» («Котибларнинг латиф сўзлари») ва бошқа асарлари борлиги ҳақида хабар берса-да, афсуски, уларнинг номларини келтирмайди. Тадқиқотчи Закий Муборак Абу Наср ал-Утбийнинг ихвониёт (биродарлик, дўстлик)га доир яхши асарлари борлигини таъкидлаб, улардан баъзиларини келтиради. Бироқ, Абу Наср ал-Утбийнинг Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаб араб тилида ёзган «Тарих ал-Йаминий» («Йаман ud-давлатининг тарихи») номли китоби ҳақли равишда тарихчининг энг асосий асари ҳисобланади. Нима учун асарнинг «Тарих ал-Йаманий» деб аталгани ҳақида шуни айтиш керакки, Ғазна султони Маҳмуд Ғазнавий (у 998-1030 йилларда ҳокимлик қилган) мустақил равишда Ғазнавийлар тахтида қарор топгач, 999 йилда аббосийлар халифи Қодир Биллоҳ (ҳалифалик йиллари 991-1031 йиллар) унга Хуросонни идора қилиш ҳуқуқи билан бирга «Йамин ud-давлат ва амин ул-милла» («Давлат таянчи ва дин ҳомийси») деган фахрий лақаб инъом қилган эди. Шу хусусдан ҳам ал-Утбий ўз асарини Маҳмуд Ғазнавий тириклигида ёзиб, унга бағишлайди ва унинг лақаби «Йамин»га нисбат бериб қисқача «Тарих ал-Йаминий» деб атаган.

МАҲУД ҒАЗНАВИЙ ТАРИХИ

«Тарих ал-Йаминий» (асар «ал-Йаминий», «ал-Китоб ал Йаминий», «Тарих ал-Утбий» номлари билан ҳам юритилади) 1021 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, Ўрта Осиё ва Хуросоннинг қарийб ярим асрлик (975-1021 йиллар) тарихга оид асосий манбалардан бири ҳисобланади. Дарвоқе, унинг бошқа тилларга таржима қилиниши ҳам асарга муҳим манба сифатида қаралганлигини кўрсатади. Даставвал «Тарих ал-Йаминий» 602 (1205-06) йили Абу Шараф Носиҳ ибн Зафар ал-Жарбадаконий томонидан форс тилига таржима қилинади. Ушбу таржиманинг нашри 1247 (1857-58) йили Теҳронда босмадан чиққан. 1858 йили Ж. Рейнольдс уни форсчадан инглизчага таржима қилиб, Лондонда нашр эттиради. Бироқ кўпгина олимларнинг фикрича, Ж. Рейнольдс таржимаси қониқарли даражада бўлмасдан, унда кўпгина чалкашликларга йўл қўйилган. Булардан ташқари, асарнинг турк тилига ҳам таржима қилинганлиги ҳақида баъзи адабиётларда қайд этилади ва, ниҳоят, асарнинг кичик бир бўлаги рус тилига ҳам таржима қилинган.

Асарнинг мазкур давр тарихига доир қимматли маълумотларга эга бўлган манбалардан эканлиги ҳақида В. В. Бартольд, А. Якубовский, Белинский, В. И. Беляев, Строева, П. Ю. Булгаков, И. Абдуллаев каби тадқиқотчилар бир неча бор такрорлаганлар ва ўзларининг Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон тарихига оид илмий тадқиқотларида «Тарих ал-Йаминий»да келтирилган маълумотлардан қисман фойдаланганлар. Дарҳақиқат, муаллиф ўз асарида 975-1021 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда бўлиб ўтган воқеаларни кенг кўламда акс эттиришга ҳаракат қилган ва бу борада ўз олдига қўйган муддаосига эришган. Ҳоким синфлар ҳузурида узоқ йиллар давомида турли-туман юқори лавозимларни эгаллаганлиги, унинг, шубҳасиз, ўша давр воқеаларидан яқиндан хабардор бўлишига, кўп ҳолларда бевосита иштирок этиб, турли ҳодисаларнинг шахсан гувоҳи бўлишига имкон берган. Шу боисдан ҳам аксар ҳолларда воқеалар жонли, ишонарли ва тўлиқ шарҳланиб, баъзан эса муаллифнинг шахсий мушоҳадаларига, у билган, таниган аниқ тарихий шахсларнинг сўзларига, улардан эшитганларига асосланиб баён қилинади. Бундан ташқари муаллиф ўз хизмат характери жиҳатидан (шахсий котиб, ноиб, почта бошлиғи, дипломатик ходим) ҳоким табақалар билан яқин бўлиши унинг турли-туман ёзишмаларидан, ёзма ҳужжат материалларидан фойдаланиш учун замин тайёрланганки, бу шубҳасиз, асар муайян фактик маълумотларга таяниб яратилганлигига яна бир карра асосдир.

Яна шуни қайд этиш керакки, ўз даврига оид муҳим ва кўпдан-кўп фактик маълумотларни ўзида мужассам қилганликлари учун ҳам ўзидан кейин форс ва араб тилида ёзилган қатор тарихий асарлар учун Абу Наср ал-Утбийнинг ушбу асари бош манбалардан бири сифатида хизмат қилган. Жумладан Абул-Ҳасан Байҳақий, Ибн ал-Асир, Ибн Касир, Рашидуддин, Мирхонд, Хондамир, Гардизий ва бошқалар ўз асарларида Абу Наср- ал-Утбий келтирган маълумотлардан унумли фойдаланганлар.

Абу Наср ал-Утбий «Тарих ал-Йаминий»да ўз замондоши, ўша пайтдаёқ етук олим сифатида танилган Абу Райҳон Беруний (973 — 1048) ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмайди. Бироқ, Беруний ҳам Абу Наср ал-Утбий сингари аввал Қобус ибн Вашмгир, сўнгра Маҳмуд Ғазнавий хизматида бўлган ҳамда узоқ вақт Ғазнада истиқомат қилган. Шу хусусдан ҳам улар бир-бирларини шахсан билган бўлишлари керак. Ҳар ҳолда Абу Райҳон Беруний ўз умрининг охирларида яратган «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Жавоҳирларни билиш учун маълумотлар тўплами») ва «Китоб ас-сайдана фи-т-тибб («Табобатда доришунослик») каби асарларида Абу Наср ал-Утбийдан айрим парчалар келтириши буюк олимнинг Абу Наср ал-Утбий ижоди билан яқиндан таниш бўлганлигини кўрсатади.

Шунингдек, манбаларда келтирилган баъзи маълумотлар Абу Наср ал-Утбийнинг мазкур асари қимматли тарихий ёдгорлик ва араб насрий адабиётининг ёрқин намунаси сифатида унинг замондошлари ва кейинги авлод илм аҳллари ўртасида кенг шуҳрат қозонганлигидан далолат беради. Жумладан, XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган тарихчи Шахобуддин Муҳаммад ан-Насавий (1249 йилда вафот этган) адабиётдан яхши хабардор бўлган ўз замондоши, Наса шаҳрининг ҳокими Мусратуддин Ҳамза ҳақида ҳикоя қилиб, у «Абулъ-Алло ал-Маърийнинг «Сақт уз-занд», ал-Утбийнинг «ал-Йаминий», Фахруддин ал-Розийнинг «ал-Мулаххас», ва «Шайх-ур-раис (Ибн Сино)нинг «ал-Ишорат» асарларини ёддан билар эди», деб ёзади.

Ўз даврининг муҳим манбаси сифатида «Тарих ал-Йаминий» кенг тарқалган бўлиб, жаҳоннинг турли кутубхоналарида унинг талай нусхалари борлиги яна бир карра асарнинг машҳурлигидан далолат беради. Асарнинг энг қадимий икки қўлёзмаси (XII асрга мансуб) Машҳадда сақланмоқда. Бундан ташқари Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Париж, Вена ва бошқа шаҳарларда ҳам «Тарих ал-Йаминий»нинг анча нусхалари мавжуд. Мамлакатимиз қўлёзма фондларида ҳам Абу Наср ал-Утбий асарининг учта нусхаси мавжуд. Шулардан иккитаси СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург филиалида сақланмоқда. Булардан бири 1265 йилда Ўрта Осиёда кўчирилган бўлиб, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, асарнинг энг ажойиб нусхаларидан бири ҳисобланади. Иккинчиси 1739 йилда кўчирилган.

Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида ҳам Абу Наср ал-Утбий асарининг яхши бир нусхаси сақланади (инв. №3252).

Абу Наср ал-Утбий асарининг қўлёзма нусхалари кўп бўлишига қарамасдан, асар бир неча бор нашр этилган. Айниқса, «Тарих ал-Йаминий»га бўлган қизиқиш XIX аср ўрталарида яна кучайиб, мазкур даврда асарнинг арабчанусхаси қайта-қайта нашр этилади. Жумладан, асарнинг маулавий Мамлук ал-Али ва А. Шпренгер томонидан тайёрланган дастлабки нашри 1847 йилда Деҳлида чоп этилди. 1286 (1870) йилда Қоҳирада ал-Утбий тарихининг тўлиқ матни шайх Аҳмад ал-Маниний томонидан тайёрланган тархий-филологик шарҳи билан биргаликда (ҳошиясида) нашр қилинди. Шунингдек, «Тарих ал-Йаминий» тўлиқича 1290 (1874) йилда тарихчи Ибн Ал-Асирнинг «Комил фи-т-тарих» асари X—XI жилдларининг ҳошиясида Қоҳирада ва ниҳоят, ал-Утбий асарининг олим Ҳомидуддин томонидан тайёрланган нашри 1883 йилда Лаҳорда чоп этилган.

«Тарих ал-Йаминий» бошдан охир насрий сажъ услубида ёзилган бўлиб, шу тарзда яратилган дастлабки тарихий-биографик асарлардан ҳисобланади. Услуб жиҳатидан нафислиги ва теранлиги учун ҳам Абу Наср ал-Утбий асари ҳақли равишда узоқ муддат давомида ушбу жанрда ёзилган кўпгина асарлар учун намуна бўлиб келди. Асар кўп бадиий безаклар, нозик қочирма ва ишоралар, сонсизсаноқсиз риторик шакл ва кўринишлар, мажозий сўзлар, теран иборалар, нафис ўхшатишлар ҳамда назмий қитъалар билан тўлиб тошганки, бу, бир томондан, муаллифнинг нақадар билимдонлигидан, унинг юксак маҳоратидан ва ноёб талант соҳиби бўлганлигидан далолат берса, иккинчи томондан қофияни сақлаш учун истеъмолда бўлмаган ортиқча сўз ва ибораларнинг келтирилиши тил ва услубнинг дабдабалилиги (мураккаблиги, серҳашамлиги) асар матнининг асл моҳиятини тушунишда, шубҳасиз, жиддий қийинчиликлар туғдиради. Дарҳақиқат, «Тарих ал-Йаминий»нинг услубан мураккаблиги асар ёзилгач, кўп ўтмасданоқ — XIII аср бошларидан эътиборан, унинг мазмунини тўғри тушунишни осонлаштирадиган муфассал шарҳлар яратилишини тақозо қилди. Манбаларда келтирилишича, турли даврларда яратилиб, «Тарих ал-Йаминий»га бағишланган шарҳларнинг сони бир қанча бўлиб, улардан баъзилари устида тўхтаб ўтамиз.

«Тарих ал-Йаминий»га бағишланган шарҳларнинг дастлабкиси 1214 йилда шайх Мажд-уддин ал-Киромний томонидан ёзилган шарҳ ҳисобланади. Нишопурлик олим Ҳамидуддин Абу Абдуллоҳ Маҳмуд ибн Умар ан-Нажотий Абу Наср ал-Утбий асарига ёзган ўз шарҳини «Басотин ал-фузало ва райоҳийн ал-уқало» («Фозиллар бўстонлари ва оқиллар райҳонлари») деб атаб, уни 721 (1321) йилда Табризда тугатган. Ан-Нажотий ўз сўзбошисида «Тарих ал-Йаминий»га бағишланган шарҳлардан бештасини кўрганлигини ва қисман улардан фойдаланиб, ўзи ҳам шарҳ битиб, ўз устози аллома Қутбиддин Шерозийга кўрсатганда, у мазкур шарҳнинг маъқуллаганини ёзади. Шу билан бирга Абу Наср ал-Утбий асарига бағишланган шарҳлар ичида ҳақли равишда 1731 — 1734 йилларда ёзилиб, араб филологи шайх Аҳмад ал-Маниний (1678-1759 йиллар) қаламига мансуб бўлган шарҳ (у «Фатҳ ал-ваҳби ала тарих ал-Утбий» деб аталади) алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ал-Маниний ўз шарҳида ўзига маълум бўлган барча шарҳлардан фойдаланибгина қолмай, (чунки кўпгина ўринларда уларга ишорат қилиб, баъзан уларнинг шарҳларидан ҳам парчалар келтиради), мукаммал бир тарихий-филологик шарҳ яратиш мақсадида ўша даврга хос қатор тарихий, жуғрофий ва фаннинг бошқа соҳаларига оид кўпгина ёзма манбаларда келтирилган маълумотлардан ҳам унумли фойдаланган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ал-Маниний ўз шарҳида Ўрта Осиё ва Хуросон тарихига оид бўлиб, турли сабабларга кўра бизгача етиб келмаган баъзи манбалардан ҳам кўп ўринларда фойдаланганки, бу, шубҳасиз, ал-Маниний шарҳига алоҳида аҳамият бахш этади. Жумладан, ал-Маниний фойдаланган ана шундай манбалардан бири Абу Али ал-Ҳусайн ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саломийнинг «Хуросон ҳокимларининг тарихи» номли асаридир.

«Тарих ал-Йаминий» муқаддима ва қирқ беш боб (зикр)дан иборат. Асарда воқеалар жараёни аксарият ўринларда X асрнинг охири ва XI асрнинг биринчи чорагидаги Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихига маълум даражада алоқадор бўлган шахсларга боғлаб ҳикоя қилинади. Албатта, ўша даврга хос ҳар қандай тарихий асарда учратилгани каби «Тарих ал-Йаминий»да ҳам ҳукмдорларга нисбатан ҳайрихоҳлик яққол сезилиб туради. Кўп ўринларда ҳоким синфлар ўртасидаги тожу-тахт, бойлик, ҳокимият йўлидаги жангу-жадаллар, низолар, беҳуда қон тўкишлар, ҳар хил ихтилофу-можароларга тўхталади. Шу билан бир қаторда асарда оддий меҳнаткаш омманинг аянчли аҳволи, оғир турмуши, уларнинг зулм ва истибдодга нисбатан нафрати ва ҳоким синфларга қарши курашлари хусусида ҳам талайгина маълумотлар келтирилган. Масалан, 401 (1011) йилда Нишопур ва Хуросонда бўлган қаҳатчилик ҳақида «шу 401 (1011) йилда хусусан Нишопурда ва Хуросоннинг бошқа томонларида шиддатли қаҳатчилик воқеа бўлиб, биргина Нишопур ва унинг атрофларида юз мингдан, эҳтимол ундан ҳам зиёд (киши) ҳалок бўлди», деб ёзади. Шунингдек, муаллиф 377 (987) йилда Журжонда вабо тарқалиб, кўпдан-кўп аёнлар, котиблар, қўшин бошлиқлари ва ҳалойиқ ҳалок бўлганини, хилма-хил солиқ ва тўловлардан сабр косаси тошиб, мушкул аҳволда қолган Журжон аҳлининг шаҳар ҳокимларига қарши бош кўтариб, улардан қанчасини ўлдирганликлари тўғрисида ҳикоя қилади.

«Тарих ал-Йаминий»да ўша даврда яшаб ижод қилган қатор адиб, шоир ва котиблар ҳақида ҳам талайгина маълумотлар келтирилган. Масалан, адиб Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ҳақида тўхталиб, унинг нодир шеърларидан ўзининг «Латоиф ал-куттоб» деган асарига киритилганлигини ёзади. Ёки Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуҳамад аш-Шерозийнинг ҳам етук котиб бўлганини ёзиб, унинг отаси ўша даврнинг энг машҳур котибларидан ҳисобланган Абу Тоҳир ҳақида батафсил маълумот беради. Буйҳийлар сулоласининг иккинчи амири «Тож ул-милла» лақаби билан машҳур бўлган Адуд ад-Давла учун 371(982) йили Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ас-Собий (994 йил вафот этган) «Китоб ат-Тожий фи ахбор Дайламий» номли асар ёзганини келтириб, бу асарнинг услуби ҳақида ҳикоя қилади. Бундан ташқари, мунажжим Абу Фазл ал-Ҳаравий ҳақида ҳам қизиқ маълумотлар келтиради. Абу Наср ал-Утбий асарида ўша даврнинг кўплаб шоирлари эслатилиб, аксар ҳолларда уларнинг назмий асарларидан парчалар келтирилади. Мазкур шоирлардан Абу-л-Фаҳт ал-Бустий, Абу Мансур ас-Саолибий, Бадиуззамон номи билан машҳур бўлган Абу-л-Фазл Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Ҳамадоний, Абу Бакр ал-Хоразмий, Абу-л-Фараж ас-Совий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо ал-Мусавий, ас-Саййид, Мизроб ал-Бўшанжий-ларни кўрсатиш мумкин.

Ҳеч шубҳа йўқки, Абу Наср ал-Утбийнинг «Тарих ал-Йаминий» асарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш Ўрта Осиё халқлари ўтмишини кенгроқ ёритишга ёрдам беради.

«ТАРИХ АЛ-ЙАМИНИЙ»НИНГ ТОШКЕНТ НУСХАЛАРИ

Аввал қайд қилганимиздек, Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида «Тарих ал-Йаминий»нинг яхши сақланган бир қўлёзмаси (инв. №3252) мавжуд. 177 варақдан иборат ушбу нусха «Тарих ал-Йаминий»нинг қўҳна қўлёзмаларидан ҳисобланиб, мутахассисларнинг фикрича, у XIII—XIV асрларда кўчирилган. Ал-Утбий асарининг тили қийин ва услубининг мураккаблиги ҳақида юқорида таъкидлаган эдик. Шу боисдан ҳам мазкур қўлёзманинг ғоятда қимматли томонларидан бири шундаки, саҳифалар ҳошиясида ва сатрлар ораларида матнда учрайдиган кўпдан-кўп қийин сўз ва ибораларни тушунтирадиган қисқача шарҳ ва изоҳлар келтирилган бўлиб, улар асар мазмунини тўғри англашда катта енгиллик туғдиради. Шунингдек, кўп ўринларда шахсий исмлар ва жуғрофий номларга ҳам қисқача изоҳлар берилган. Шарҳ ва изоҳлар асосан араб тилида бўлиб, шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси бундан қарийб ўн аср муқаддам мураккаб услубда ёзилган тарихий манбани тўғри талқин қилишда катта аҳамият касб этади.

Асар матни бошдан охир насхи сулс хатида қора сиёҳда ёзилган бўлиб, ажратиб кўрсатиш учун фақат сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган.

«Тарих ал-Йаминий»нинг бошқа тилларга бўлган таржималари ҳақида гапирганимизда унинг форс тилидаги таржимасини эслатган эдик. 602 ҳижрий (1205—06 милодий) санада Абу Шараф Носиҳ ибн Саад ал-Мунший ал-Жарбадақоний (у Ҳамадон билан Исфаҳон ўртасида ярим кунлик йўлдаги Жарбадақон деган жойда туғилган) маҳаллий ҳукмдор Улуғ Борбак Ойиба учун «Тарих ал-Йаминий»ни форс тилига таржима қилган эди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ал-Жарбадақонийнинг бу таржимаси «Тарих ал-Йаминий»нинг энг эътиборга молик таржималаридан ҳисобланади. Шарқшунослик институтида сақланаётган «Таржиман Йаминий» номли қўлёзма (инв. № 3144) Масъуд ибн Муҳаммад ибн Тўғрил ал-Котиб деган киши томонидан 1299 йили ал-Жарбадақоний форсча таржимасининг мухтасар ҳолга келтирилган таҳриридир. Шунингдек, Шарқшунослик институтида мазкур қўлёзмадан 1941 йили таниқли палеограф ва шарқшунос олим Ибодулла Одилов (у 1944 йилда вафот этган) томонидан бажарилган «Таржиман Йаминий»нинг яна бир нусхаси (инв. № 5828) бўлиб, у Қўқон қоғозига чиройли настаълиқ хати билан кўчирилган ва жуда яхши сақланган.

«Тарих ал-Йаминий»нинг Тошкент қўлёзмасидан бир варақ.

Убайдулла УВАТОВ,
филология фанлари номзоди, Бутуниттифоқ Шарқшунослар уюшмасининг аъзоси.

Эшитмадим деманглар

РЕСПУБЛИКАДА

ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

● **Низомий номли Тошкент давлат муаллимлар олийгоҳи куллиётларида Ўзбекистон Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни олдидан йиғилишлар бўлиб ўтди.**

Йиғилишларда сўзга чиққан ўқитувчи ҳамда талабалар республика президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатишди. Президентликка номзод республикамиз меҳнат аҳли, айниқса, маорифчилар ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги алоҳида тилга олинди.

Йиғилишларнинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаб, сайлов куни уни ёқлаб овоз беражакларини дилдан изҳор этдилар.

ХАЙРЛИ ЮМУШЛАР

● **Республикамиз Президенти Фармонларига мувофиқ Олтинкўл районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги меҳнаткашлар учун хайрли ишларни амалга оширмоқда.**

Хонадонларни газлаштириш учун 1 миллион сўм сарфлаш мўлжалланган. Бунинг учун имконият етарли. Хўжаликда 280 ўринли болалар боғчаси, чойхона, ғишт заводи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

МАМЛАКАТДА

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТДА

● **СССР матбуот хизматининг раҳбари Андрей Грачев журналистлар билан учрашди.**

У шуни маълум қилди: Михаил Горбачев қонуний, демократик, ошкоралик йўли билан ишлаб чиқилган, маъқулланган ва тегишли тартиблар асосида қабул этилган ҳар қандай Иттифоқ шартномасига тайёрдир.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЯНГИ НОМИ

● **Олмаота шаҳрида Қозоғистон республикаси Олий Кенгашининг сессияси бўлди.**

Қозоғистон ССРнинг номини ўзгартириб, уни Қозоғистон Республикаси деб аташ тўғрисида қарор қабул қилинди.

Парламентнинг тантанали мажлисида Қозоғистон Республикасининг президенти Нурсултон Назарбоев қасамёд қилди.

ЯНГИ ВАЗИФАГА ТАЙИНЛАНДИ

● **РСФСР Олий Кенгаши Раисининг собиқ ўринбосари Светлана Горячева** Приморье ўлкаси прокурорининг буйруғига кўра Владивосток шаҳри прокурорининг ўринбосари этиб тайинланди.

МУХТОР РЕСПУБЛИКАГА АЙЛАНТИРИЛДИ

● **Тоғли Бадахшон вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.**

Унда вилоятни мустақил Тожикистон таркибидаги Муҳтор республикага айлантирилганлиги эълон қилинди.

ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

● **Минскда Беларусь коммунистлари партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.**

Қурултойга республиканинг барча вилоятларидан, кўпгина район ва шаҳарларидан делегатлар келдилар. Партия Устави, дастурий баёноти ва бир қанча резолюциялар қабул қилинди. «Жамиятни ўзгартириш учун зарур сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратилиши керак» — янги партиянинг вазифаси шундай таърифланган.

ХОРИЖДА

АҲОЛИ ТАЛАБИ

● **Албанияда озиқ-овқат таъминоти ҳаддан ташқари ёмонлашди.**

Шу муносабат билан Албания пойтахти аҳолисининг кўпчилиги Тирана кўчаларига чиқди. Улар маъмурлардан озиқ-овқат таъминоти яхшиланишини талаб қилишди.

Мамлакат президенти Рамиз Аллия махсус фармойиш чиқарди. Унда озиқ-овқат омборлари ва дўконларни талон-торож қилишга урниш бўлган тақдирда қуролли куч ишлатиш ҳақида сўз боради.

МИШ-МИШ ТЎҒРИМИ?

● **ГДРнинг собиқ раҳбари Эрих Хонеккер тевараги да кўп гап-сўзлар бўлаётир.**

Чилининг Москвадаги элчиси Клодумиро Альмейда ГДРнинг собиқ раҳбарига Чилига жўнаб кетиш имкониятини яратиб беришга ўзининг алоқадорлиги хусусидаги миш-мишларни рад этди.

АМАЛДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

● **Германия социал-демократлари ГФР канцлери Гельмут Колнинг Европа ҳамжамияти валюта ва иқтисодий уюшмасини тузиш режасини амалда қўллаб-қувватламоқда.**

Германия социал-демократик партиясининг бундестагдаги молиявий масалалар фракциясининг мутахассиси Маттеус Майер хоним «Бильт» рўзномаси мухбири билан суҳбатда шуларни айтди.

(Ахборотлар «Ўзбекистон овози», ТАСС, ЎзТАГ ва марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

Эшитмадим деманглар

ЗАРУР МАЖБУРИЙ ЧОРА

Бухоро вилоятида моллар ва моддий бойликларни вилоят ҳудудидан олиб чиқиб кетишни назорат қиладиган давлат инспекцияси тузилди. Аэропортда, «Бухоро—1» темир йўл станциясида, бошқа республикалар билан чегарадош постларда бож ходимлари пайдо бўлди. Божхоналар ички истеъмол бозорини қанчалик самарали ҳимоя қилаётганлигини дастлабки натижаларга қараб билиб олиш мумкин. Божхона ходимлари қисқа муддатда уч миллион 70 минг сўмликдан кўпроқ турли моллар ғайриқонуний равишда республикадан олиб кетилишига чек қўйдилар.

— Божхоналар тажрибали ҳуқуқшунослар, БХСС, тергов, ГАИ ходимлари ҳамда ички ишлар идоралари бошқа бўлимларининг ходимлари билан тўлдирилган, — дейди Бухоро вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳининг раҳбари, милиция майори Е. Зуев. — Улар ўзларининг бевосита вазифаларини бажариш билан бирга жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этишда қатнашмоқдалар. Масалан, Туркманистон билан чегарадош Олот районидаги постда катта инспектор Отақул Жумаев, кичик инспекторлар Ҳамза Омонов ва Эргаш Авлиёқулов текшириш учун иккита «Жигули» автомашинасини тўхтатишди. Бир нечта сохта ҳайдовчилик гувоҳномаси, техпаспорт ва ишонч қоғозлари топилди. Қозоғистонлик бу шофёрларни ушлаб қолишга тўғри келди. Орадан кўп вақт ўтмай Олмаота шаҳрида босқинчиларча ҳужум қилишда шубҳа остига олиниб, улар қидирилаётганлиги аниқланди.

Давлат инспекциясини ташкил этиш мажбурий чорадир. Бозор зарур моллар билан тўлса бундай инспекцияга ҳожат қолмайди.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

● Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли республика «Нафис» санъат мактабида республикамизнинг турли вилоятларидан келган истеъдодли ёшлар таълим олишади. Суратларда: 1. Тилшунослик билимини ўрганиш синфида дарс пайти. Гулистон шаҳридан келган ўқувчи Марғуба Йўлдошева жавоб бераётир. Тошкент давлат муаллимлар олийгоҳининг доценти Муҳаррам Юсупова унинг жавобини диққат билан тингламоқда. 2. Санъатшунослик синфидаги дарсда эса ўқитувчи Норсаид Ойдинов ўз талабалари билан суҳбатлашмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

• СПОРТ

БЎШ КЕЛМАНГ, ҚИЗЛАР!

Маълумки, яшил майдон узра човгон ўйнатиб, хоккей ўйновчи қизлар баҳсига илк бор Андижонда асос солинган. «Андижанка» жамоаси қизлари кейинги йиллар мобайнида бир неча бор мамлакат чемпиони бўлишди.

Мухлисларни мамнун этиб турганн эса қизларимиз сира бўш келмай, узлуксиз совринли ўринларни эгаллаш анъанасини давом эттиришга астойдил ҳаракат қилишаётганидир.

Хоккейчиларимиз ўтган йили мавсум якунида чемпионатнинг олтин медалларини қўлга киритиб, кўпчиликни қувонтиришди. Бу йил ҳам чакки бўлмади. Зўр ўринишлардан сўнг хоккейчи қизлар жамоаси мавсумни кумуш медални қўлга киритиб якунлашди.

— Очиғини айтганда, кумуш медаль ўтган йилги олтин медалдан қимматроқ ва оғирроқ. Нега десангиз, халқаро тоифадаги спорт усталари Земфира Умерова, Светлана Олухова турмушга чиқишгани, Ирина Захарян қаттиқ жароҳатлангани сабабли ўйинларда қатнаша олмадилар, — дейди андижонлик хоккейчи қизлар сардори Мирон Ким. — Барча оғирлик моҳир чавгончиларимиздан Фарида Билолова, Нейля Аҳмерова, Гулчеҳра Ворисова, Лариса Дрёпина ва бошқалар зиммасига тушди. Улар мусобақаларда жароҳатланишганига қарамай, мавсум охиригача чидаб беришди.

Ёш хоккейчилардан Зарифа Юсупова, Наталья Шираковских, Ананда Аветисян, Эльнора Бикмайкина, дарвозабонлардан Света Овсепян, Лайло Юсупова кумуш медалли бўлишимизда жонбозлик кўрсатдилар. Икки ўйинчи Гулчеҳра Ворисова билан Анаида Аветисян мамлакатнинг энг кучли 22 чим хоккейчиси сафидан ўрин олишди. Ёшлардан Зарифа Юсупова, Наталья Шираковскихлар спорт устаси талабларини бажардилар.

«Андижанка» келаси йил январь ойида Германияда бошланадиган халқаро мусобақада қатнашишга ҳозирлик кўрмоқда.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОВРИННИ КЎЗЛАБ

Шу кунларда Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройи ҳар қачонгидан гавжумлашиб турибди. Бу ерда чарм-қўлқоп усталари ўртасида халқаро турнир бошланди. Мусобақанинг тантанали очилиши байрамона тус олди. Мусобақага ташкилий жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилгани кўзга ташланди.

Мухлислар эса дастлабки учрашувни сабрсизлик билан кутиб туришарди. Баҳс 51 килограммли вазнли боксчилар ўртасида бошланди. Тошкентлик Қобул Шукуров билан мўғилистонлик Хурэл-сух Ариунаа учрашуви кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Боксчимиз уч раунд мобайнида очко тўплаб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, мусобақани биринчи куни боксчиларимиздан Улуғбек Иброҳимов, Ўткирбек Ҳайдаров, Равил Бойбулатовлар ҳам навбатдаги баҳсларга йўлланма олишди.

Саралаш учрашувлари давом этмоқда. Қизғин баҳслар олинда. Бугун чорак ва ярим финал учрашувлари бўлади. Ғолиблар эса 14 февраль куни аниқланади.

И. АБДУЛЛАЕВ.

• ЁДНОМА

БАМИСОЛИ ҲАЁТБАХШ БУЛОҚ

Ривоят қилишларича, қадим Бухорода бир ажойиб булоқ бўлар экан. Унинг сувидан бир ҳовуч симирган одамнинг йўллари очилиб, хонадонига қут-барака кирар экан. Одамлар; «Илоҳим шу булоқнинг суви дунё тургунча тугамасин-ей» дея дуо қиларканлар. Чашма бугун ҳам борми, йўқми, билмадим, заминнинг йирик алломаси, устоз Иброҳим Мўминов ёркий сиймосини ўша ҳаётбахш булоққа ўхшатгим келаверади.

Зеро, олимнинг бетакрор, ошуфта қалбидан маънавий озиқ олганларнинг сон-саноғи йўқ. Ўзбекистондан етишиб чиққан неча-неча олимларни ўзининг кенг қалб амри билан суғора олган булоқлардан бири у.

Иброҳим Мўминов Шарқда «маънолар отаси» дея шарафланган буюк Мирзо Абдулқодир Бедил ижодига мурожаат қилиб, унинг фалсафий жиҳатларини халққа тушунтириб бера олган файласуф эди.

Қадимги Истам Хазонинг Тоир Турк, Амир Темур сингари лашкарбошилар номини тилга олишининг ўзигина азиятлар етказиш мумкин бўлган бир шароитда Амир Темур ҳақида рисола ёзган. Уни ўзбек элига ўз нуқтаи назари ила танитишга журъат қилган эди. Абдураззоқ Самарқандий ва Шарафиддин Али Яздий тарихий асарларининг чоп этилишига раҳнамолик қилган фидокор инсон ҳам Иброҳим Мўминов эди.

Иброҳим Мўминовнинг инсониятга Исмоил Бухорий ва Бобо Туркий Жандий каби руҳоний илмлар сарварларини, Ибн Сино ва Абу Муслим Нужободий сингари ҳозиқи давронларни, Абу Исо Калободий, Ҳошим Девона, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Шайх Низомиддин каби орифларни, Абу Зафар Бухорий, Муҳаммад Наршахий, Ҳофиз Таниш сингари улкан муаррихларни берган қадимий Бухоро тупроғида дунёга келиши ва улкан фалсафа тарихчиси сифатида шаклланиши маврусий боғлиқ ҳодисадир. Зотан, илм олмоқ яшаш шарти ва файзи саналган юртда заҳматкаш олимларнинг дунёга келмоғи табиийдир.

Тўрт йил мустақил сиёсат юритган Бухоро халқ жумҳуриятининг раҳбарлари асосан зиёлилари ва ишбилармон одамлар тофасидан чиққанликлари сабабли саводи бор ёшларни хорижга юбордилар, илм ўрганиш ниятида юрган саводсизларни янгича бошланғич мактабга жалб эта бошладилар. Илмга интилаётганлар орасида Иброҳим ҳам бор эди. Имкониятни ҳаракатга солиб турадиган нарса интилишдир. Шу фазилат И. Мўминовга ўсмирлик пайтлариданоқ эш бўлди.

Аввал Бухоро маориф институтида, сўнгра Самарқанд олий педагогика институтида таҳсил олди. Уни имтиёзли диплом билан битирди. Диалектика ва тарихий материализм, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига эришиш мақсадида илмий ишини ёқлади.

1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси барпо этилгач, И. Мўминов очилмаган қўриқ — Ўзбекистон халқлари бой фалсафий меросини ўрганишга киришди. Аждодларимизнинг атиги икки фоизи саводли бўлгани ҳақидаги уйдирма бир ўзбек зиёлиси сифатида унинг миллий ғурурини қўзғаган, шу ишга бошлаган бўлса ажабмас. Зотан, файласуф хоҳ Беруний, хоҳ Улуғбек, Навоий, Завқий ижоди ҳақида сўз юритмасин, истеъдодли, билимли кишиларни етиштириш қодир шарт-шароитлар чоризм истилосидан олдин ҳам мавжудлигини маҳорат билан исботлади. Ўз халқи мустамлакачилар ўйлаганидек «жоҳил», «қолоқ» эмаслиги, юксак маданият-маърифатга эгалигини асослаш, кенгроқ тушунтириш учун ҳам атайин улуғ намояндаларини мисол қилиб олди.

Олим XIV—XV асрлар ҳурфикрлилиги тўғрисида мулоҳаза юритар экан, Ўрта Осиёда математика, алгебра, геометрия, астрономия ва бошқа фанларнинг ривожланиши, ўнли касрнинг кашф этилиши, ернинг думалоқлиги, ой ва қуёш тутилиши ҳақидаги материалистик ғояларнинг пайдо бўлишига туртки бўлганини таъкидлайди.

Дадил айтиш мумкинки, И. Мўминов ижодиётининг катта қисми Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккурнинг ривожланиши тарихи масалалари билан боғлиқ, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий, Машраб, Турди, Дониш, Муқимий, Завқий каби ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўз ичига олган бу ижодий йўл бир сўз билан айтганда ватан ҳақида ватан тарихи ҳақидаги илмий-ижтимоий изланиш, катта ва баракали меҳнат самарасидир.

Зеро, Тарих-Дин-Халқ, биз уларни битта ном билан Ватан деб атаймиз, Ватан тақдири, бу она тили ва муқаддас тарих қисматидир. И. Мўминов жисми-жони билан Ватанга боғланган баркамол буюк файласуф эди.

Абу Али ибн Сино беш томлиқ «Тиб қонунлари», Ўрта асрда яшаб ижод этган буюк олим Абу Райҳон Беруний «Ал-Осар Ун-Боқия анил қурун ил Холия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») «Ҳиндистон», «Геодезия», «Фармокология» асарларини. Хоразмий. Форобий рисолаларини, Наршаҳий, Бейҳақий, Маҳмуд Қошғарий, Али Қушчи, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш, Фурқат ва бошқаларнинг асарларини ўрганиш ҳамда уларни рус ва ўзбек тилларига ўгиришгача бўлган масъулиятли, сермашаққат ишларга уни — Ватан муҳаббати ундаган бўлса не ажаб.

Иброҳим Мўминовнинг қайси асарини олиб кўрманг, у илмий иш, шу билан бирга жуда оммабоп, оддий, тушунарли ва равон тилда ёзилганлигига гувоҳ бўласиз. Бу унинг олим ўз халқи фалсафасини, тарихини, ўз мутафаккирлари, шоирларини муфассал билиши лозим деган эътиқодидан дарак беради. Мазкур эътиқодни унинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» рисоласидаги қуйидаги парчадан ҳам билиш мумкин. «Темурнинг ҳислатларидан бири шунда эдики, у бирор масалани ҳал этишдан 'олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, сўнг қарор қабул қилар эди. Унинг олимлар билан қиладиган маслаҳатлари ҳар хил даражада ва турли шаклларда бўларди. Одатда Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих фанлари вакиллари, адабиёт, тилшунослик илми намоёндалари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур одамлар билан шахсий суҳбатлар ўтказарди».

Олимлар кенгашида Темур нутқ сўзлаган. У ўз нутқида бундай деган: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишга менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашишингиз керак».

Иброҳим Мўминов заҳматкаш олим бўлиш билан бир қаторда меҳрибон устоз, ўзига ва ўзгаларга талабчан илм соҳиби эди. Юзлаб шогирдлари у ҳақда эслаганларида ҳикоямиз бошида таъкидлаганимиз булоқдан зилол сув симиргандек энтикиб қўядилар.

Устозга камдан-кам илм аҳлига насиб қиладиган нодир ҳислат — шогирдларини ўзидан устун қўйиш, қимматли вақтини аямай, мурувват кўрсатиш каби фазилат бўлганини кўплаб кишилар алоҳида таъкидлайдилар.

«Олим шогирдлари билан кучли». Бу ҳам алломанинг ўгити, у бугунги авлод зиёлиларимиз учун ҳам ибрат бўлгулик бир йўриққа ўхшайди.

Иброҳим Мўминов Ўзбекистон Фанлар академияси қошида бунёд этилган Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг ташкилотчиси ва кўп йиллар давомида унинг биринчи директори эди, шу сабабли илмгоҳ ҳақли равишда у кишининг муборак номи билан аталади.

Бугунги кунда 20 дан ортиқ фан доктори, юздан ортиқ фан номзоди унвонига сазовор бўлган Иброҳим Мўминовнинг шогирдлари жумҳуриятимизнинг фалсафа ўчоқларида устоз бошлаб берган йўлни шараф билан давом эттиряптилар.

С. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.



Суратларда: халқаро мусобақадан лавҳалар.

Суратқаш Даврон АҲМАД.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ИНФОРМСЕРВИС
ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
Олий ўқув юртларига киришга тайёрловчи
ПУЛЛИК
СИРТҚИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга ўзлари танлаган ихтисослар бўйича Олий ўқув юртларига кириш дастурлари, ёзма ишлар ва ўқув қўлланмалари юборилади.

Ўқиш ҳақи — 70 сўм бўлиб, почта орқали Тошкент шаҳар уй-жой ижтимоий банкининг Октябрь район бўлимидаги 002609036 ҳисоб рақамига юборилсин. МФО 734138 «ИНФОРМСЕРВИС» ўқув-ишлаб чиқариш маркази.

Курсларга кирувчилар аниқ уй манзили, қайси фанлардан тайёрланмоқчи бўлганлиги (кўпи билан 4 та фандан) **ҳақидаги ариза ва пул тўланганлиги тўғрисидаги квитанция қуйидаги манзилга юборилсин:** 700106, Тошкент шаҳри, 106-алоқа бўлими, 1-абонент қутичаси». «ИНФОРМСЕРВИС».

Курсларга қабул қилинганларга, агар бирор сабаб билан машғулотларни тўхтатмоқчи бўлсалар, ўқиш учун тўланган пуллари қайтарилмайди.

Мурожаат қилиш учун телефон: 46-47-89.

«БЕЛЭЛЕКТРПРИБОР» ФИРМАСИНИНГ
МИНСК УЛГУРЖИ-БОЗОР САВДОСИ БЎЛИМИ (ФОРТ)
нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан
ҚУЙДАГИЛАРНИ СОТАДИ

— **ЧЕТ ЭЛ** (Гонконг)**ДА ИШЛАНГАН ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, сотиладиган баҳоси — 675 сўм;**
— **девор блокларини тайёрлаш учун ишлатиладиган ВС—01 вибродастгоҳлари** (баҳоси — 22100 сўм);
— **ДАО-88-16-ЗУХЛ электр двигатели** (21 сўм);
— **«Сосна» АНРИ-01 дозиметрлари** (223 сўм);
— металдан ясалган нақшинкор эшик бандлари (10 сўм);
— **телефакслар, дискеталар, факслар учун иссиқлик қоғозлари, принтерлар учун лентaлар.**

ШУНИНГДЕК, ҚУИИДАГИЛАР ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ:

— **«Электроника» МС—0585 ҳисоблаш мажмуи,**
— **ҳар хил радиоўлчов асбоблари,**
— **алюминийдан ясалган қисқич-тугмалар.**
— **қўл соатлари,**

Манзилимиз: 220600, Минск шаҳри, Горький кўчаси 60-уй. Телефонлар: 34-15-24, 34-62-41.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ ДУКОН-САЛОНИ
«ПОИСК» ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ-ЎЙИН КОМПЛЕКСИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Махсус тайёргарлиги бўлмаган фойдаланувчилар, мактаблар ва ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг талабалари, халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғидаги мутахассислар, олимлар, ёзувчилар, мусиқачилар учун мўлжалланган.

Дастури 1ВМ РС га тушади.

Очиқ меъморий ва амалий ечимга эга.

СМ 1810, 13. 10. «НИВКА» БОШҚАРУВЧИ ҲИСОБЛАШ МАЖМУИ

Ахборотни арифметикавий ва мантиқий ишлаб чиқишни таъминлаш, автоматик бошқарув тизими технологик жараёнида ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва сақлаш: лаборатория ишлаб чиқариш ўлчамларининг автоматлаштирилган тизимларини, илмий тажриба, дастурлаштириш ва ўқитишни автоматлаштириш тизимларини қуриш учун мўлжалланган.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

Театр

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — **12/XII да Алдагани хотин яхши, 13/XII да Гўзаллар ва миршаблар, 14/XII да Отасининг қизи, 15/XII да Кулги ва қўшиқ кечаси.**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Иқтисодиёт илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси илмгоҳ бўлим мудири иқтисод фанлари доктори, профессор Раит Абдуллаевга ва илмгоҳ кичик илмий ходими Равшан Абдуллаевга онаси

Роза АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Санипри» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош илмий ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор А. Р. Рамазоновга онаси

Рихси РАСУЛХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг биоорганик кимё илмгоҳи жамоаси илмий ходим М. М. Қосимжоновага онаси

Баҳри ЮНУСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Судга оид тиббий экспертизасининг Бош бюроси жамоаси Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд тиббий эксертизаси бюросининг собиқ бошлиғи, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган шифокор

Пўлат Суюнович СУЮНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети раҳбарияти, «Сиёсатшунослик» минбар гоҳи жамоаси катта ўқитувчи А. А. Самиғжоновга отаси

Акром САМИҒЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Судининг жамоаси Ўзбекистон Жумҳурият Олий Судининг аъзоси К. У. Саидовга отаси

Усмон САИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-54, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481
№ 240.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.